

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ЖУМАНОВ ЗИЯДУЛЛА ЭШМАМАТОВИЧ**

**ҚОН ЙЎҚОТИШ ОҚИБАТИДАГИ ЎЛИМ ҲОЛАТИ ПОСТМОРТАЛ  
ДАВРИНИНГ ТУРЛИ МУДДАТЛАРИДА БОШ МИЯ НЕРВ ВА ҚОН  
ТОМИР СТРУКТУРАСИНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.24 – Суд тиббиёти**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Жуманов Зиядулла Эшмаматович**

Қон йўқотиш оқибатидаги ўлим ҳолати постмортал  
даврининг турли муддатларида бош мия нерв  
ва қон томир структурасининг морфологик хусусиятлари ..... 3

**Жуманов Зиядулла Эшмаматович**

Морфологические особенности нервных и сосудистых  
структур головного мозга при смерти от кровопотери  
в разные сроки постмортального периода..... 27

**Jumanov Ziyadulla Eshmamatovich**

Morphological features of the nervous and vascular  
structures of the brain after death from blood loss in different  
periods of the postmortal period..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 55

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ЖУМАНОВ ЗИЯДУЛЛА ЭШМАМАТОВИЧ**

**ҚОН ЙЎҚОТИШ ОҚИБАТИДАГИ ЎЛИМ ҲОЛАТИ ПОСТМОРТАЛ  
ДАВРИНИНГ ТУРЛИ МУДДАТЛАРИДА БОШ МИЯ НЕРВ ВА ҚОН  
ТОМИР СТРУКТУРАСИНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.24 – Суд тиббиёти**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2. PhD/Tib809 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Индиаминов Сайит**

тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Азизова Феруза Хусановна**

тиббиёт фанлари доктори

**Рузиев Шерзод Ибодуллаевич**

тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот**

**Қарағанда тиббиёт университети (Қозоғистон Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.03 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (манзил: 100109, Тошкент шаҳар, Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 1-ўқув биноси мажлислар зали. Тел/факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси, «Б» қанот, 1-қават, 7-хона. Тел/факс: (+99871) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.И. Шайхова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Ж. Эрматов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Б.У. Ирискулов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда қон йўқотиш ва шок ҳозирги вақтга қадар турли патологик ҳолатларда ўлимнинг асосий сабаби бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра «...Европада ҳар йили 80 миллионга яқин инсонлар бахтсиз ҳодисага учрайди, улардан механик жароҳатланиб, қон йўқотишдан вафот этганлар даражаси 1,5 миллион нафарни ташкил этади...»<sup>1</sup>. Шу муносабат билан ҳозирги кунга қадар қон йўқотиш ва шокнинг турли жиҳатларини баҳолаш давом этмоқда. Қон йўқотишнинг келиб чиқишида дунёда «...қон томир ва аъзоларнинг ўткир предметлар билан жароҳатланиши ҳамда паренхиматоз аъзоларнинг ўтмас жисмлар билан жароҳатланиши етакчи ўринни эгаллайди...»<sup>2</sup>. Воқеа жойида қон йўқотишдан ва стационарда шокдан вафот этган шахсларда қон йўқотиш сабабли ўлим ҳолати постмортал даврини ҳисобга олган ҳолда, ўлим сабабини ва механизмини асослашда сабаб-оқибат боғлиқликни аниқлаш бўйича тадқиқотлар амалий суд-тиббиёти экспертизаси вазифаларини ҳал этиш учун муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, секцион материалларда аъзоларнинг постмортал даврининг турли муддатларида таққослаб ўрганилиши суд-тиббиёти экспертлар ва патологоанатом врачлари учун муҳим илмий - амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда қон йўқотиш оқибатидаги ўлим ҳолати постмортал даврининг турли муддатларида бош мия нерв ва қон томир структурасининг морфологик хусусиятларини баҳолашнинг юқори самарадорлигига эришиш борасида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Массив қон йўқотиш ва массив қон йўқотишнинг геморрагик шок билан асоратланишидан вафот этган шахслар бош мия ярим шарлари пўстлоғи ва узунчоқ мия асаб ва қон томирлар структуравий ўзгаришларини постмортал даврининг турли муддатларида асослаш муҳим аҳамиятга эга. Тажрибада массив қон йўқотишдан ўлдирилган каламушларда бош мия ярим шарлари пўстлоғи ва узунчоқ мия асаб ва қон томирлари тузилмавий ўзгаришларини постмортал даврининг турли муддатларида баҳолаш посмортал давр муддатларини ҳисобга олган ҳолда, массив қон йўқотиш ва массив қон йўқотиш оқибатидаги геморрагик шок танатогенезини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари талаблари бўйича ривожлантириш, тиббий тизимни турли жароҳатланишлар натижасида қон кетиш орқали ўлим кўрсаткичини камайтириш учун Ўзбекистон Республикаси президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар

<sup>1</sup> ЖССТ маълумотлари, 2017 йил

<sup>2</sup> Petrova EB, Dimitrova MB, Ivanov IP, Pavlova VG, Dimitrova SG5 Kadiysky DS. Effect of acute hypoxic shock on the rat brain morphology and tripeptidyl peptidase I activity. Acta Histochem. 2016: 496-504

тўғрисида»ги 5590-сон Фармонида «...аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспасеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қуваатлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>3</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларда суд тиббиёти ва патологик анатомия хизматида замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали қон йўқотишни ташхислаш алоҳида қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI.«Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қон йўқотиш муаммосининг шубҳасиз, долзарблиги организмдаги унинг кўринишларини ўрганишга оид тадқиқотлар ошишига олиб келмоқда. Кўп сонли тадқиқотлар қон йўқотишда бош миёда бўладиган ўзгаришларни суд-тиббий жиҳатларига бағишланган (Zureikat G.Y. et al., 1990; Ince E. et al., 2000; Пиголкин Ю.И., Богомолов Д.В., 2010). Ухшаш изланишлар экспериментда ҳам олиб борилмоқда (Schaumloffel V. et al., 1990; B.J. Zink et al., 1998; B.J.Zink et al., 1999). Бундай ҳолат қон йўқотиш оқибатидаги гипоксия шароитида бош миёнинг жуда эрта зарарланиши билан изоҳланади. ХХI-асрда ҳам тадқиқотчилар томонидан меъёрий шароитда ва турли хил экспериментал таъсирлар шароитида лаборатория ҳайвонларининг бош миёси морфологиясини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Е.Ю. Березнева, В.В Александров (2015) морфологик жиҳатдан каламушлар бош миёси турли қисмларини ўрганиб чиқиб, турли майдонларда нейронлар ўртасида фарқ йўқлигини, нейронлар ўлчамининг катталиги ва ядроси ҳажмининг ортиши уларнинг юқори функционал фаоллигидан далолат беришини қайд этдилар. Т.Г. Данилова (2013) каламуш умумий уйқу артериясини боғлаб қўйган ҳолда бош миё пўстлоғи пешона қисми морфологиясини ишемик ҳолатда Ниссл усули билан бўяб ўрганиб,

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

экспериментнинг 14-чи соатида каламуш пешона қисми нейронларида нормахромлилик сезиларли даражада пасайганлигини, шу билан бирга, патологик ўзгаришларга ва қайтмас ўзгаришларга учраган нейронларнинг сони ошишини аниқлади.

Каламушларда алкоголь интоксикациясида бош мия онтогенезига бағишланган тадқиқотлар ҳам мавжуд (Семенов С.Н., Полякова - Семенова Н.Д., Гуляева С.И., 2012; Ткач О.В., Режавский Б.Я., 2015; ва бошқалар), шунингдек, ишемияда ён қоринчалар қон томир чигали гематоликвор барьерининг ультраструктураси ўрганилган (Новикова Н., 2009). Инсонлар бош мияси қоринчалари қон томир чигалининг тузилишини ўрганиш юзасидан ҳам тадқиқотлар ўтказилган (Николенко В.Н., Жмурко Р.С., Фомичова О.А., 2015 ва бошқа.).

Бироқ, қон йўқотишнинг постмортал даври турли муддатларида бош мия ярим шарлари пўстлоғи нейронлари, қон томирлари, периваскуляр ва перицеллюляр бўшлиқлари ҳолатини ўрганиш суд тиббиёти ва амалий суд-тиббиёт экспертизасининг етарлича ўрганилмаган муаммоси бўлиб қолмоқда. Амалий суд-тиббиёт экспертизаси вазифаларини ҳал этиш учун, ушбу муаммолар нафақат амалий материалда синовдан ўтказишни, балки экспериментал асослашни ҳам талаб қилади, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шу билан асосланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига асосан «Қўшма экзоген жароҳатловчи факторлар таъсири билан боғлиқ жароҳатланишларда жароҳат механизмини ва танотогенезни баҳолаш» (2018-2021 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** оммавий қон йўқотиш ва оммавий қон йўқотишнинг геморрагик шок билан асоратланган ўлим постмортал даврининг турли муддатларида бош мия нерв ва қон томирлари структураси ўзгаришларида танотогенезни баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

массив қон йўқотиш ва массив қон йўқотишнинг геморрагик шок билан асоратланишидан вафот этган шахслар бош мия ярим шарлари пўстлоғи нерв ва қон томирлардаги структуравий ўзгаришларини постмортал даврнинг турли муддатларида баҳолаш;

массив қон йўқотиш ва массив қон йўқотишнинг геморрагик шок билан асоратланишидан вафот этган шахслар узунчоқ мия нерв ва қон томирлар структуравий ўзгаришларини постмортал даврнинг турли муддатларида аниқлаш;

экспериментда массив қон йўқотишдан ўлдирилган каламушларда бош мия ярим шарлари пўстлоғи нерв ва қон томирлари структуравий ўзгаришларини постмортал даврининг турли муддатларида баҳолаш;

экспериментда массив қон йўқотишдан ўлдирилган каламушлар узунчоқ мия нерв ва қон томирлари структуравий ўзгаришларини постмортал даврининг турли муддатларида баҳолаш;

посмортал давр муддатларини ҳисобга олганда массив қон йўқотиш ва массив қон йўқотиш оқибатидаги геморрагик шок танатогенезини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** массив қон йўқотиш ва массив қон йўқотишнинг геморрагик шок билан асоратланишидан вафот этган 73 нафар шахс ҳамда тажриба шароитида массив қон йўқотишдан ўлдирилган 60 та оқ тусли етук каламушлар бош мияси постмортал даврнинг турли муддатларида ўрганилган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида массив қон йўқотиш ва геморрагик шокдан вафот этган шахслар бош мия ярим шарлари (Бродман бўйича 6-майдон) ва узунчоқ мияси, тажрибада массив қон йўқотишдан ўлдирилган каламуш бош ва узунчоқ мияси ва бош мияда нейронлар, нейропил, мия ичи қон томирлари, қоннинг реологик хусусияти, перинейронал ва периваскуляр бўшлиқларининг материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда макроскопик, микроскопик текширув, экспериментал, морфометрик–Г.Г.Автондилов бўйича нуқтали, препаратларни микрофотографияси ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор массив қон йўқотиш ва массив қон йўқотишнинг геморрагик шок билан асоратланиши оқибатидаги ўлимда бош мия ярим шарлари пўстлоғи ва узунчоқ мияда танатогенезнинг намоён бўлиши постмортал давр муддатларида фарқ қилмаслиги асосланган;

постмортал давр давомийлиги ошганда бош мия пўстлоғи ва узунчоқ миядаги деструктив ўзгаришлар нейронлар миқдори ошиши, қон томир компоненти, шунингдек перинейронал ва периваскуляр бўшлиқлар ҳам постмортал давр давомийлиги билан боғлиқ жараёнлар исботланган;

тажрибада массив қон йўқотишдан ўлдирилган каламушларда танатогенез намоён бўлишининг сақланишини акс эттирувчи перинейронал ва периваскуляр бўшлиқларнинг кенгайиши ҳамда постмортал даврнинг давомийлиги билан боғлиқ бош мия, узунчоқ мияда деструктив ўзгаришга учраган нейрон ва қон томирлар сони кўпайиши исботланган;

постмортал даврнинг турли муддатларида танатогенезни баҳолаш мезонлари сифатида бош мия ярим шарлар пўстлоғи ва узунчоқ мияда перинейронал ва периваскуляр бўшлиқлар нисбатидан фойдаланиш тизими такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

массив қон йўқотиш ва геморрагик шокдан вафот этган шахслар бош мияси нейронлари, қон томирлари ва уларнинг атрофидаги бўшлиқларнинг постмортал давр муддатига боғлиқлик динамикаси баҳоланган;

перинейронал ва периваскуляр бўшлиқлар ҳажмининг постмортал давр муддати ошгани сайин ортиши, массив қон йўқотиш ва геморрагик шок танатогенетик белгиларининг сақланиши баҳоланган;

морфологик ва морфометрик хусусиятлар маълум жихатдан постмортал даврнинг турли муддатларида массив қон йўқотиш ва геморрагик шок танатогенези турини аниқлаш бўйича суд-тиббиёти экспертизаси



хулосаларини асослаш учун хизмат қилиш тизими такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Ишда замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, қон йўқотиш ва геморрагик шокдан вафот этган шахслар жасадлари етарлилиги, морфологик, морфометрик, статистик тадқиқот усулларига асосланилганлиги, шунингдек, қон йўқотиш оқибатидаги ўлим ҳолати постмортал даврининг турли муддатларида бош мия нерв ва қон томир структурасининг натижалари халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти массив қон йўқотиш ва геморрагик шокдан вафот этган шахслар ҳамда экспериментал ҳайвонларда массив қон йўқотишда бош мия ярим шарлари пўстлоғи ва узунчоқ мия нейронлари, қон томирлари, перинейронал ва периваскуляар бўшлиқлари қиёсий морфологияси ҳақидаги маълумотларни тўлдириши билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти постмортал давр турли муддатларининг танатогенез турига таъсири юзасидан массив қон йўқотишда суд-тиббиёти экспертизаси хулосаларни асослашда қўшимча дифференциал-диагностик мезонларни ташкил этади. Перинейронал ва периваскуляар бўшлиқларни баҳолашда олинган морфометрик маълумотлар массив қон йўқотиш ва геморрагик шок танатогенезини баҳолаш учун қўлланилишга асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қон йўқотиш оқибатидаги ўлим ҳолати постмортал даврининг турли муддатларида бош мия нерв ва қон томир структурасининг морфологик хусусиятларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Бош мия нерв ва қон томир структурасини текшириш асосида массив қон йўқотиш танатогенезини аниқлаш услуги» номли услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил майдаги 8н-р/172-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома суд тиббиёт амалиётида бош мия нерв ва қон томир структурасини текшириш асосида массив қон йўқотиш танатогенезини баҳолаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

«Геморрагик шок танатогенезини баҳолаш учун бош мия нерв ва қон томирлари структурасини суд-гистологик текшириш услуги» номли услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 8 майдаги 8н-р/172-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома геморрагик шок танатогенезини баҳолашда бош мия асаб ва қон томирлари тузилишини суд-гистологик текшириш услуги асосида геморрагик шокни баҳолаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

қон йўқотиш оқибатидаги ўлим ҳолати постмортал даврининг турли муддатларида бош мия нерв ва қон томир структурасининг морфологик

хусусиятларини баҳолашнинг илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятлари суд-тиббий экспертиза марказларининг суд-тиббиёти амалиётига татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 3 июндаги 8н-з/99-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши бош миянинг нерв ва қон томир структурасини ўрганиш асосида массив қон йўқотиш ва геморрагик шок танатогенезини баҳолаш имкониятини самарадорлигини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларни илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишларнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Массив қон йўқотишнинг геморрагик шок билан асоратланган ўлимда бош мия нерв ва қон томирлари структураси морфологияси ҳақида замонавий маълумотлар**» деб номланган биринчи боби икки кичик бўлимдан ташкил топган бўлиб, бош мия нерв ва қон томир структурасини ўрганиш бўйича жаҳон адабиётларидаги маълумотларни батафсил таҳлили натижалари келтирилган. Адабиётлар таҳлили маълумотларнинг чалкашлиги ва турли хиллиги, қон йўқотиш ва геморрагик шокдан ўлимда перинейронал ва периваскуляр бўшлиқларни баҳолаш бўйича аниқ тавсиялар йўқлигини кўрсатди. Хасталик туфайли сўнгги даврда бош мия текширувига қадар маълум вақт ўтиши мумкинлиги, бош мия нерв ва қон томир тузилмаларида нафақат структуравий ўзгаришлар, балки бу бўшлиқларнинг ҳажми ва бўшлиқ ичи элементлар таркибининг ўзгариши, бош мия перинейронал ва периваскуляр бўшлиқлар нафақат секцион

материалларда, балки экспериментал массив қон йўқотишдан ўлим турли муддатларида лаборатория ҳайвонларида ўрганиш қон йўқотиш билан боғлиқ турли ҳолатларда танатогенезни баҳолаш имконини берадиган манбалар ёритилган.

Диссертациянинг «**Массив қон йўқотиш ва массив қон йўқотишнинг геморрагик шок билан асоратланган ўлим постмортал даврининг турли муддатларида бош мия морфологиясини баҳолашнинг услубий жиҳатлари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти ва предмети ҳақида маълумот берилган. Тадқиқотда белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун массив қон йўқотиш ва геморрагик шокдан вафот этган ва Самарқанд вилояти суд-тиббий экспертиза бюросида (ҳозирда РСТЭИАМ Самарқанд филиали) экспертизадан ўтган 73 нафар шахснинг бош мияси текширилган. Бундан ташқари, экспериментал массив қон йўқотишдан ўлдирилган 60 та оқ тўсли етук каламушлар бош мияси ҳам ўрганилган. Тадқиқот материалларининг таснифи 1 - жадвалда келтирилган.

Қон йўқотиш эпидемиологияси ёш ва ўрта ёшни камраб олади – 21-60 ёш (92,8%). Массив қон йўқотиш ва геморрагик шокдан вафот этган шахслардан 78% и эркаклар (57 ҳолат) ва 22% (16 ҳолат) и аёллардир. Вафот этган шахсларда массив қон йўқотиш қон томирлар ва ички аъзоларнинг ўткир воситалар билан (56 ҳолат), ўтмас воситалар билан (16 ҳолат) ва ўқ отар қуролларидан жароҳатланиши (1 ҳолат) билан боғлиқ. Улардан 61та ҳолатда жабрланганлар ўлими воқеа жойида, тиббий муассасага олиб келишда йўлда ёки муассасага олиб келинганда содир бўлган.

#### 1-жадвал

#### Тадқиқот материалларининг таснифи

№	Тадқиқот материаллари	Сони
I.	Марҳумлар жасади суд- тиббий экспертизаси, шундан:	73
	массив қон йўқотиш,	61
	геморрагик шок.	12
II.	Каламушларда экспериментал массив қон йўқотиш	60

Агонал даврнинг давомийлиги 30 дақиқагачани ташкил этган. Қолган 12 ҳолатда шахслар ўлими массив қон йўқотишдан кейин асоратланган клиник жиҳатдан асослаган геморрагик шок ташхиси билан тиббий муассасаларда қайд этилган. Вафот этган шахсларда ички қон йўқотиш миқдори 2500- 4500 см<sup>3</sup> ни, шунингдек, барча ҳолатларда ташқи қон йўқотиш ҳам кузатилган. Барча кузатувларда асосий жароҳатланиш икки ва ундан ортиқ аъзолар, қон томирлар, мушаклар, эндокрин безлар, диафрагма, ичак тутқичи ва бошқалар жароҳатланиши билан кечган. Тўқима ва аъзоларнинг бундай қўшма жароҳатлари йўқотилган қон миқдори кўпаяди. Марҳумлар жасади суд-тиббий экспертизаси жараёнида ўлимнинг асосий ва бевосита сабаби воқеа жойини кўздан кечириш баённомалари, жасадларни текшириш

натижалари, клиник ва лаборатория маълумотлари, бош мия ва ички аъзоларнинг суд-гистологик текширувлари таҳлили, суд-кимёвий текширув натижасини ҳисобга олиб, ўлимнинг бошқа сабабларини инкор этиш орқали асосланди. Вафот этганларнинг қон ва сийдигида спиртли ичимликлар ва гиёҳванд моддалар аниқланмади. Клиник жиҳатдан асосланган геморрагик шок ташхиси билан тиббий муассасада вафот этган шахсларда ўтказилган инфузион терапия ҳажми 500 дан 10000 мл гачани ташкил этган.

Массив қон йўқотиш ва геморрагик шок ҳолатларида бош мия текшируви постмортал даврининг муайян муддатларида ўтказилди, барча тадқиқот материаллари 4 гуруҳга бўлинди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Массив қон йўқотиш ва геморрагик шокдан кейин постмортал давр муддатига (соат) кўра кузатувларнинг гуруҳлар бўйича тақсимланиши

Гуруҳ	Постмортал давр муддати (соат)	Массив қон йўқотиш			Геморрагик шок		
		эркак	аёл	жами	эркак	аёл	Жами
1	6-8	21	5	26	3	-	3
2	12-14	7	9	16	3	-	3
3	18-20	8	9	17	2	-	2
4	24 -28	2	-	2	3	1	4

Турли расмий ҳужжатлар манбаларида (жасадни дастлабки кўздан кечириш ва жасад топилган жойни кўздан кечириш баёни, геморрагик шок билан даволашда стационардаги беморнинг тиббий баёнлари, гувоҳларни сўроқ қилиш баёнлари ва бошқ) мавжуд бўлган маълумотлар ўрганилди. Ушбу маълумотлар ва ҳужжатлар асосида жабрланганларнинг ўлими содир бўлган вақт, шунингдек, жасад топилган вақтгача бўлган шароитлар (хонадон, очиқ майдон, атроф-муҳит ҳарорати, ёгингарчиликлар таъсири ва бошқ) аниқланди. Бу маълумотларнинг барчаси шахслар ўлими вақти тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради (Кузовков А.В, 2017). Махсус суд-гистологик текшируви учун материал бош миянинг қуйидаги қисмларидан олинди: пўстлоқ ва унинг остига туташган оқ модда (Бродман бўйича 6-майдон), IV қоринча туби ва узунчоқ миянинг бир қисми. Экспериментал қон йўқотиш 240-300 грамм оғирликдаги ҳар икки жинсли 60 та оқ тусли етук каламушларда ўтказилиб, экспериментал ҳайвонлар билан ишлашнинг амалдаги барча қоидалари ва биоэтика нормалари асосида олиб борилди (ЎЗР Биоэтика қўмитасининг 2019 йил 26 февралдаги 2-сонли баённомаси). Каламушлар виварияда бир хил шароитларда боқилди, сув ва озиқ-овқат бир хил вақтда берилди. Эфир наркози остида уйқу артериясини кесиш орқали каламушларда массив қон йўқотишнинг экспериментал усули амалга оширилди. Тадқиқотлар каламушлар ўлгани заҳоти, шунингдек, юқорида қайд этилган секцион материаллар билан бир хил постмортал

даврда амалга оширилди. Экспериментал тадқиқот гуруҳлари бўйича каламушларнинг тақсимланиши 3-жадвалда акс этирилган.

Каламушларда ҳам секцион материаллар каби суд-гистологик текширув учун бош миянинг катта ярим шарлари ва узунчоқ мия олинди. Бош мия тўқимаси 10% нейтрал формалинда фиксация қилинди, спиртли батарея орқали ўтказилди, парафинли блоклар тайёрланди. Тайёрланган гистологик қирқмалар гематоксилин ва эозин билан бўялди. Эксперимент материаллари қўшимча равишда Ниссл усули билан бўялди, Кампос ва Примелиус усулларида импрегнация қилинди.

### 3-жадвал


#### Экспериментал массив қон йўқотишда постмортал даврнинг муддатларига қараб каламушларнинг гуруҳларга тақсимланиши

Гуруҳлар	Постмортал даврнинг муддатлари	Каламушлар сони		
		Эркак	урғочи	Жами
1	Бир неча дақиқа	3	3	6
2	6-8 соат	11	3	14
3	12-14 соат	11	3	14
4	18-20 соат	10	3	13
5	24-28 соат	10	3	13
Жами		45	15	60

Гистологик препаратлар бўйича нейронлар, нейроглия, нейропил ва перинейронал бўшлиқ (ПНБ) ҳолати ва турли калибрли қон томирлар, томир ичидаги қон реологик хусусиятлари ва периваскуляр бўшлиқ (ПВБ) ҳам ўрганилди. Бош мия нерв ва қон томир структурасини объектив баҳолашда морфометрик текширув ўтказилди. Бунинг учун Г.Г Автандилов томонидан тасия этилган 4 та кичик квадратча (100 та нуктадан иборат) нуктали тўр ишлатилди. Морфометрик ўлчов микроскопнинг об.20 х ок.10.ўлчамида амалга оширилди. Бунда ПНБ ва нейронга тушган нукталар, шунингдек, ПВБ ва унда жойлашган қон томирлари сони ҳисобланди. Нуктали усулни қўллаш услубий асослари морфометрия бўйича услубий қўлланмаларда асосланган. Морфометрик кўрсаткичларга ўртача арифметик  $M\pm m$  нисбий қийматлари ўртача хатоси ва  $t$  фарқининг ишончилиги коэффиценти билан Студент-Фишер бўйича статистик ишлов берилди. Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7.0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.

Гистологик препаратлар «Leica EC3» рақамли камераси ва Pentium IV компютери билан боғланган «Leica GME» микроскопи ёрдамида ўрганилган ва суратга олинган. Фотосуратларни қайта ишлаш Windows Professional дастурлари ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Массив қон йўқотиш ва массив қон йўқотишнинг геморрагик шок билан асоратланган ўлимда бош мия нерв ва қон томирлар структурасининг морфологияси ва морфометрияси**» деб номланган учинчи бобида массив қон йўқотишдан вафот этган 61 нафар шахснинг бош мия ярим шарлари пўстлоғини ўрганиш натижалари, улардан 74 % и эркаклар (45) ва 26 % (16 ҳолат) и аёлларни ташкил этган. Массив қон йўқотиш оқибатидаги ўлим ҳолати постмортал даврининг муддатлари ошган сари, пўстлоқ нейронларининг структуравий ўзгаришлари ортади, шунингдек, ПНБ кенгайиши кузатилади (1-расм).



6-8 соат


12-14 соат

18-20 соат

24 соат ва ортиқ

**1-расм.** Массив қон йўқотиш оқибатидаги ўлимда бош мия ярим шарлари пўстлоғи нейронларидаги ўзгаришлар ва ПНБ динамикаси. Гемотоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10.

Ўлимдан кейинги 6-8 соатдан сўнг пўстлоқ нейронларида кариопикноз кузатилади, сўнгра (12-14 соатда) унга нейронларнинг гидропик шиши қўшилади. Кейинчалик (18-20 соатда) кариолизис ва нейронларнинг бужмайиши (24 соатда ва ундан ортиқ) қайд қилинади. Бош мия ярим шарлари пўстлоғи қон томир компоненти ҳам постмортал даврнинг муддати ортиши билан деструктив жараёнларга учрайди, ПНБ кенгайиши кузатилади (2-расм).



6-8 соат

12-14 соат

18-20 соат

24- соат ва ортиқ

**2-расм.** Массив қон йўқотиш оқибатидаги ўлимда бош мия ярим шарлари қон томирларидаги ўзгаришлар ва ПВБ динамикаси. Гемотоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10.

Постмортал даврнинг 6-8 соатидан кейин қон томирлардаги ўзгаришлар дистония кўринишида кузатилади, кейинчалик бу ҳолат қон томир девори структурасининг бузилиши билан алмашинади, бунинг натижасида томир қаватлари контури фарқланмайди (12-14 соатда). 18-20 соатдан кейин ўлимдан сўнгги ўзгаришлар қон томир девори қаватлари деструкциясига сабаб бўлади, 24 соатдан кейин қон томир тўлиқ деструкцияга учрайди.

Массив қон йўқотиш оқибатида вафот этган шахслар бош мия пўстлоғи нерв ва қон томирлар структурасида постмортал даврининг турли муддатларида (соат) куйидаги морфометрик кўрсаткичлар аниқланди (4-жадвал).

#### 4-жадвал


### Массив қон йўқотиш оқибатида вафот этган шахслар бош мия пўстлоғи нерв ва қон томирлар структурасининг постмортал давр турли муддатларидаги (соатда) морфометрик кўрсаткичлари (%%)

Постмортал давр муддатлари (соат)	ПНБ	Нейрон	ПНБ+нейрон	ПВБ	Қон томир	ПВП+қон томир
6-8	1,21±0,06	2,82±0,16	4,03±0,22	3,83±0,32	8,48±0,73	12,31±1,05
12-14	2,25±0,16	2,02±0,11	4,27±0,27	6,4±0,57	6,88±1,03	13,28±1,6
18-20	2,61±0,17	1,63±0,1	4,24±0,27	7,84±0,55	4,73±0,35	12,57±0,9
24-28	3,97±0,08	1,09±0,05	5,06±0,13	10,7±1,07	0,88±0,07	11,58±1,14

4-жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, постмортал даврининг давомийлиги ошган сайин, ПНБ майдони ошади, нейронлар ўлчами эса камайиб боради. Шу каби ўзгаришлар қон томир компоненти текширувида ҳам кузатилди. Постмортал даврининг муддати ошган сари ПВБ майдон ошади, қон томир эгаллаб турган майдон эса кичраяди.


Нерв ва қон томирлар структуралар ўзаро муносабати ва улар атрофидаги бўшлиқлар муносабати нисбий қийматлар чиқарилганда яққол аниқланади. Постмортал даврининг муддатлари ошган сари ПНБ ва ПВБ нисбий майдони ортади ва улардаги структуралар (нерв ва қон томир) ҳажми камайиши аниқланади.

Шундай қилиб, постмортал даврининг муддатлари ошган сари нейронга нисбатан ПНБ нисбий ҳажми ортади (3- расм).




3- расм. Бош мия ярим шарлари нерв ва ПНБ нисбатининг массив қон йўқотиш постмортал даври динамикасида ошиб бориши

Постмортал давр муддати ошган сари ПВБ майдони ортади, улардаги қон томир структураси ҳажми эса камаяди. (4-расм).



**4-расм.** Бош мия ярим шарлари пўстлоғи ПВБ ва қон томир структурасининг массив қон йўқотишдан ўлимдан сўнгги интервалдаги нисбати.

Геморрагик шокда ўлимдан кейинги интервал ошгани сари нейронлар ва қон томирлардаги структуравий ўзгариш кучаяди. Постмортал даврнинг 6-8 соатида нейронларда гидропик ўзгаришлар кузатилади, бу ҳолат 12-14 соатдан кейин кучлироқ ифодаланади, уларда кариолизис ҳам рўй беради. Постмортал даврнинг 18-20 соатидан кейин нейропил ҳамда глиоцитлар атрофида шишиниш кузатилади, 24-соатидан сўнг нейронларда цитоллиз рўй беради. Глиоцитлар сони кўпаяди ва улар бевосита нейронлар теварагида перинейронал бўшлиқда жойлашган бўлади (5-расм).




**5-расм.** Геморрагик шок постмортал даври турли муддатларида бош мия ярим шарлари нейронларидаги деструктив ўзгаришлар ва ПНБ кенгайиши. Гемотоксиллин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10.

Мия ичи томирлардаги илк ўзгаришлар атония морфологик белгиси кўринишида намоён бўлади (постмортал даврнинг 6-8-соати), кейин (12-14-соатида) эндотелиоцитлар шишиниши кузатилади. Сўнгги постмортал



муддатларда (18-20 соатда) қон томир деворларида деструкция ва (24 соатдан кейин) қон томирларнинг тўлиқ парчаланиши рўй беради (6-расм).



6-8 соат

12-14 соат

18-20 соат

24 соат ва ортиқ

**6-расм.** Геморрагик шок постмортал даврнинг турли муддатлари динамикасида бош мия ярим шарлари қон томирлардаги структуравий ўзгаришлар ва ПНБ нинг кенгайиши. Гемотоксин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10.

Геморрагик шокдан вафот этган шахслар бош мия пўстлоғидаги ПНБ постмортал давр муддатлари ошган сайин кенгайиб боради, ўз навбатида бу бўшлиқларда нейронлар жойлашиш майдони кичрайиб боради (5-жадвал). ПНБ да энг кўп ўзгаришлар постмортал даврнинг 12-14 соатидан сўнг кузатилади, бу ўзгаришлар 6-8 соатдаги ўзгаришларга нисбатан деярли икки баробар кўп бўлади. Постмортал даврнинг кейинги муддатларида ПНБ майдони кам даражада ошади, 24 соатдан кейин бир мунча кўпаяди. Нейронлар эгаллаган майдон ҳам айнан шу даврда сезиларли даражада камаяди, яъни постмортал давр 12-14 соатидан сўнг, кейинчалик унинг камайиши аста-секинлик билан давом этади. ПВБ эгаллаган майдон ва уларда жойлашган қон томирлар ўзгариши ҳам худди шу тарзда кечади.

#### 5-жадвал

**Геморрагик шокдан ўлим ҳолатида постмортал давр турли муддатларида (соатда) ги бош мия ярим шарлар пўстлоғи нерв ва қон томирлар структурасининг морфометрик кўрсаткичлари (%%)**

Постмортал даврнинг муддатлари (соат)	ПНБ	Нейрон	ПНБ+нейрон	ПВБ	Қон томир	ПВП+қон томир
6-8	1,33±0,06	2,83±0,06	4,16±0,12	5,35±0,24	11,4±0,55	16,75±0,61
12-14	2,48±0,12	1,72±0,1	4,2±0,22	7,69±0,61	5,46±0,33	13,15±0,94
18-20	2,89±0,19	1,64±0,12	4,53±0,31	8,67±0,66	4,19±0,33	12,86±0,44
24-28	4,04±0,1	1,1±0,04	5,14±0,14	10,98±0,84	0,96±0,09	11,94±0,93


Ўлимдан кейинги 12-14 соатда ПВБ 6-8 соатгача бўлган даврга қараганда анча катта бўлади. Қон томир эгаллаган майдон сезиларли даражада камаяди. Тадқиқотнинг кейинги даврларида ПВБ аста-секин ошиб боради, қон томир майдани ҳам аста-секинлик билан камайиб боради.

Геморрагик шок постмортал даврининг эрта (6-8 соат) муддатларида бош мия ярим шарлари пўстлоғида ПНБ эгаллаган майдон умумий майдонга (ПНБ+нейрон) нисбати аниқланганда 32,0 % ни, нейрон эгаллаган умумий майдон 68 % ни ташкил этди. Постмортал даврининг 12-14 соатидан кейин ПНБ эгаллаган майдон 59,0 % ни, нейрон эгаллаган умумий майдон 41 % ни ташкил этди. Геморрагик шокдан ўлимда 18-20 соатдан кейин ПНБ 63,8 % гача ошса, нейрон эгаллаган майдон 36,2 % гача камаяди. Геморрагик шок постмортал даврининг 24 - соатидан ва ундан кейин ПНБ нисбий майдони ошиши давом этади ва 78,6% га етади, умумий майдонининг 21,4% ини нейрон эгаллайди.

ПВБ ва қон томирлар нисбий майдони ўзгариш динамикасини ўрганиш шунга ухшаш натижаларни кўрсатди. Тадқиқотнинг дастлабки муддатларида (6-8 соатда) майдонинг 31,9% ини ПВБ, умумий майдон 68,1% ини қон томир ташкил этади. Тадқиқотнинг 12-14 соатида ПВБ нисбий ўлчами 58,5 % га кескин ошади, қон томир ўлчами эса 41,5 % гача камаяди. Кейинчалик ҳам бу тенденция давом этиб ПВБ/ нейрон нисбий ўлчами 67,4/32,6% ини ташкил этади. Шундан сўнг (постмортал даврининг 24 соат ва ундан ортик муддатларида) ПВБ нисбий ўлчами 92,0 % гача ошади, қон томир эгаллаган майдони бори-йўғи умумий майдоннинг 8,0 % ини ташкил қилади.

Олинган маълумотларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, геморрагик шокдан ўлим постмортал даврининг турли муддатларида бош мия катта ярим шарлар пўстлоғида деструктив ўзгаришлар эртароқ намоён бўлади ва массив қон йўқотишга нисбатан яққолроқ ифодаланади. Бу ҳолат геморрагик шокдан ўлим олди даврида нерв ва қон томирларда юзага келган ишемия билан изоҳланади. ПНБ ва ПВБ ўлчамларидаги сезиларли ўзгаришлар, эҳтимол, инфузион терапияни қўллаш натижасидаги мия шиши билан боғлиқдир. Таъкидланадиги, ятроген асоратлар танатогенезида муҳим аҳамиятли гиперинфузия ятрогеняси асорати тез-тез учрайди ва бу ҳолат мия ҳамда бошқа аъзоларнинг шишиниши кўринишида намоён бўлади (Збруева Ю.В.,2015).

Диссертациянинг «**Массив қон йўқотиш ва массив қон йўқотишнинг геморрагик шок билан асоратланган ўлим постмортал даврининг турли муддатларида узунчоқ мия нерв ва қон томир структурасининг морфологияси ва морфометрияси**» деб номланган тўртинчи бобида массив қон йўқотишда ўлимдан кейинги интервалда бош мия пўстлоғи каби узунчоқ мияда нейронларда деструктив ўзгарган нейронлар кўпайиши ва ПНБ ўлчами ошиши кузатилади. (7-расм).



6-8 соат

12-14 соат

18-20 соат

24 соат ва ортиқ

**7-расм.** Массив қон йўқотишдан кейинги постмортал даврнинг турли муддатларида узунчоқ мия нейронларидаги деструктив ўзгаришлар ва ПНБ ўлчамининг ошиши. Гемотоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10.

Бироқ бош мия катта ярим шарлари пўстлоғига нисбатан бу деструктив ўзгаришлар эрта кузатилади. Узунчоқ мия нейронларида гидропик ўзгаришлар постмортал даврнинг 6-8 соатида кузатилади, бу нейронларда кариопикноз ҳам ривожланади. Ўлимдан кейинги 12-14 соатдан сўнг узунчоқ мия нейронларининг шишиниши фонида кариолизис қайд этилади. Кейинчалик (18-20 соатда) нейронлар танаси бужмаяётган ҳолда кўринади ва 24 соатдан кейин улар бундан ҳам кўпроқ бужмаяди ва цитолизнинг дастлабки босқичлари қайд этилади.

Узунчоқ мия қон томирлари массив қон йўқотиш постмортал давр динамикасида структуравий ўзгаришларга учрайди. Постмортал даврнинг эрта муддатларида (6-8 соатда) қон томир атонияси белгилари намоён бўлади ва деструктив ўзгаришлар бошланади, чунки эндотелиотцитлар ядролари аниқланмайди, қон томир девори қатламлари фарқланмайди. Кейинчалик бу ўзгаришлар (12-14 ва 18-20 соатда) кучаяди, 24 соатдан кейин ПВБ даги томир деворининг тўлиқ деструкцияси аниқланади. Шунингдек, ПВБ кенгайиши кузатилади (8-расм).



6-8 соат

12-14 соат

18-20 соат

24 соат ва ортиқ

**8-расм.** Массив қон йўқотиш постмортал даврининг турли муддатларида узунчоқ мия қон томирларидаги деструктив ўзгаришлар ва ПНБ нинг кенгайиши. Гемотоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10

Массив қон йўқотишда узунчоқ миёда ПНБ ошиши ва уларнинг ичида жойлашган нейронлар ўлчами камайиши кузатилади. Шунингдек, бош мия

ярим шарлари пўстлоғидаги каби, узунчоқ мияда ҳам постмортал давр динамикасида ПВБ ошиши ва қон томирлар майдонининг камайиши кузатилади (6-жадвал).

#### 6-жадвал

### Массив қон йўқотиш постмортал даврнинг (соат) турли муддатларидаги узунчоқ мия нерв ва қон томир структураси морфометрик кўрсаткичлари (%%)

Постмортал давр муддатлари (соат)	ПНБ	Нейрон	ПНБ+нейрон	ПВБ	Қон томир	ПВП+қон томир
6-8	1,12±0,06	2,69±0,11	3,81±0,17	1,15±0,07	3,23±0,13	4,38±0,2
12-14	2,1±0,2	2,3±0,2	4,4±0,4	2,94±0,28	2,31±0,24	5,25±0,52
18-20	2,76±0,18	1,35±0,12	4,11±0,3	3,12±0,12	1,88±0,15	5,01±0,27
24-28	3,9±0,1	0,9±0,1	4,8±0,2	3,8±0,1	0,9±0,1	4,7±0,2


Нерв ва қон томир структураси ва улар атрофидаги бўшлиқларнинг нисбий ўлчамларини ўрганиш қуйидагиларни аниқлаш имконини берди. Массив қон йўқотиш постмортал даври 6-8 соатидан кейин узунчоқ мияда ПНБ энг кам ривожланган бўлиб, 29,4% ини ташкил этади, умумий майдоннинг 70,6% ини нейрон эгаллайди. Қон йўқотиш постмортал даври 12-14 соатидан сўнг ПНБ 47,7% га етади, умумий майдоннинг 52,3% ини нейрон эгаллайди. Массив қон йўқотиш постмортал даври 18-20 соатидан кейин ПНБ янада ривожланади (67,2 %), умумий майдоннинг 32,8% ини нейрон эгаллайди. Массив қон йўқотиш постмортал даври 24 соатидан ва ундан кейин ПНБ ошиши давом этади (81,3%) ва нейрон майдони 18,7% гача камаяди.

6-8 соатдан кейинги даврда ПВБ ва томирлар нисбий ўлчамлари шунга ухшаш тарзда ўзгаради. Кейинчалик (12-14 соатдан кейин) қон томир эгаллаган майдон билан солиштирганда ПВБ қон томир майдонига нисбатан (44%) катта майдонни эгаллайди (56%). Кейинги даврда, яъни, 18-20 соатда ПВП 62,4 % га ошади, қон томир майдони эса умумий майдоннинг 37,6% гача камаяди. 24 соатдан ва ундан кейинги муддатда ПВБ 80,9% гача ошади, қон томир майдони умумий майдоннинг 19,1% гача камаяди.

Олинган натижаларга асосланиб қайд этиш мумкинки, узунчоқ мия нейронлари гипоксияга анча сезгир, шунинг учун улар танатогенез жараёнида тезроқ ишемик ўзгаришларга дучор бўлади. Натижада, улардаги патологик ўзгаришлар ўлимдан кейинги даврда эртароқ деструктив

ўзгаришларга (6-8 соатдан кейин) олиб келади, кейинчалик бу ўзгаришлар янада кучаяди. Массив қон йўқотишнинг постмортал даврида узунчоқ мия ПНБ ва ПВБ майдонларининг ортиб бориши бир хил тарзда руёбга чиқади. Бу жараён бош мия катта ярим шарлари пўстлоғидаги шу каби ўзгаришлардан сезиларли даражада фарқланмайди.

